
Туман ҳокимининг навбатдаги сайёр қабули “Оқмачит” маҳалласида ўтказилди

Ўзбекистон тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Қ.Джураев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон туманидаги халқ қабулхонаси мудирини А.Қодиров томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон тумани секторлари раҳбарларининг 2019 йил 10 сентябр кунидан 10 октябр кунига қадар фуқароларни оммавий сайёр қабул қилиш жадвали”га мувофиқ ҳудудларда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни янада кенгайтириш, муаммоларни аниқлаш ва уларни жойида бартараф этиш мақсадида бевосита жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш белгиланган. асдиқланган жадвалга асосан 9 октябр куни тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Қахрамонжон Джураев томонидан “Оқмачит” маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда туман ҳокимлиги масъул раҳбарлари, тумандаги ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, маҳалла мутасаддилари ҳамда 38 нафар маҳалла фуқаролари иштирок этишди.

Сайёр қабул давомида фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммо, таклиф ва мулоҳазалари билан туман ҳокими Қ.Джураевга бевосита мурожаат этишди.

Келиб тушган мурожаатларнинг айримларини жойида бартараф этиш чоралари кўрилди ҳамда бошқа барча мурожаатларни муддатидан кечиктирмай ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича муаллифларга маълум қилиш юзасидан мутасадди корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон туман ҳокимлиги Ахборот хизмати

2019-10-10 16:58:15